

соллаллоҳу алайҳи васаллам яшириниб юрар, қавмлари эса у зотга нисбатан кескин муносабатда экан. Мен аста бориб, Маккада ҳузурларига кирдим-да, у зотга: «Сен кимсан?» дедим. У зот: «**Мен Набийман**», дедилар. «Набий нима дегани?» дедим. У зот: «**Аллоҳ мени элчи қилиб юборди**», дедилар. «Сени нима учун юборди?», дедим. «**Аллоҳ мени силаи раҳм қилиш, бутларни синдириш ва Аллоҳни бир деб, Унга ҳеч нарсани шерик қилмаслик учун юборди**», дедилар. «Бу йўлда сен билан бирга кимлар бор?» дедим. У зот: «**Бир ҳур, бир қул**», дедилар. Ўша пайтда у зотнинг ёнларида иймон келтирганлардан Абу Бакр ва Билол бор эди. Шунда: «Мен ҳам сенга эргашаман», дедим. У зот шундай дедилар: «**Хозир бундай қила олмайсан. Менинг, одамларнинг ҳолини кўрмаяпсанми? Сен уйингга қайтгин-да, менинг зоҳир бўлганимни эшитганингда ҳузуримга келгин**». Уйимга қайтдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида мен уйда эдим. У зот Мадинага келган пайтлари хабар суриштириб, одамлардан сўрашга тушдим. Бир куни ҳузуримга бир неча Мадиналиқ кишилар келиб қолишиди. Мен: «Мадинага келган анави одам нималар қиляпти?» дедим. Улар: «Одамлар унинг ҳузурига серқатнов бўлиб қолишиди. Қавми уни ўлдирмоқчи бўлибди, лекин ўлдириша олмабди», дейишди. Мен Мадинага келиб, у зотнинг ҳузурларига кирдим-да, «Эй Аллоҳнинг Расули, мени танияпсизми?» дедим. У зот: «**Ҳа, сен мен билан Маккада учрашган одамсан**», дедилар. Мен: «Ҳа, шундай», дедим. Кейин: «Эй Аллоҳнинг Набийси! Мен билмаган, Аллоҳ сизга ўргатган нарсалардан менга айтинг. Менга намоз ҳақида айтиб беринг», дедим. У зот шундай дедилар: «**Бомдод намозини ўқи. Кейин қуёш чиқиб, кўтарилиб бўлгунича намоз ўқимай тур, чунки қуёш чиқаётганда шайтоннинг икки шохи орасидан чиқади. Ўша пайтда кофирлар унга сажда қилишади. Кейин то наиззанинг сояси йўқолгунча яна намоз ўқийвер, чунки бу намозга шоҳид бўлинади ва ҳозир бўлинади.*** Аммо қуёш тиккага келганда намоз ўқимай тур, чунки бу пайтда жаҳаннам қиздирилади. Қачон соя пайдо бўлса, намозни ўқийвер, чунки бу намозга шоҳид бўлинади ва ҳозир бўлинади. Асрни ўқиганингдан кейин қуёш ботгунича намоз ўқимай тур, чунки қуёш шайтоннинг икки шохи орасидан ботади. Ўша пайтда кофирлар унга сажда қилишади». «Эй Аллоҳнинг Набийси, таҳорат-чи, у ҳақда ҳам айтиб беринг», дедим. У зот шундай дедилар: «**Бирингиз таҳорат сувини олиб, оғиз чайқаса ва бурнига сув олиб қоқса, юзи, оғзи ва бурнининг хатолари тушиб кетади. Сўнгра юзини Аллоҳ буюрганидек ювса, юзининг хатолари сув билан соқолининг учларидан тушиб кетади. Кейин қўлини тирсагигача ювса, қўлининг хатолари сув билан бармоқларидан тушиб кетади. Сўнгра бошига масҳ тортса, бошининг хатолари сув билан сочининг учларидан тушиб кетади. Сўнгра икки оёғини тўпифигача ювса, оёғининг хатолари сув билан бармоқларидан тушиб кетади. Агар у туриб, намоз ўқиб, Аллоҳга ҳамду сано айтса ва Аллоҳни Ўзига муносиб улуғласа, қалбини фақат Аллоҳга қаратса, худди онасидан туғилган кундагидек хатоларидан халос бўлади**».

Амр ибн Абаса ушбу ҳадисни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари Абу Умомага айтганида Абу Умома унга: «Эй Амр ибн Абаса, ўйлаб гапир! Кишига бир мақомнинг ўзида шунча (мукофот) бериладими?» деди. Шунда Амр деди: «Эй Абу Умома! Ёшим бир жойга бориб, суюкларим мўртлашиб, ажалим яқинлашганда Аллоҳга ва Аллоҳнинг Расулига нисбатан ёлғон гапиришнинг менга нима кераги бор? Агар мен буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир, икки ёки уч мартагина - у етти мартагача санади - эшитганимда бу ҳақда асло гапирмас эдим. Лекин мен буни у зотдан бундан ҳам кўп эшитганман».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz

